

Номозшомгул ва ток таналари чирмаб олган «Кингс Хед» мөхмөнхонаси күриниши захчил, бир вактнинг ўзи-да улугвор бино эди. Устига-устак, бу бино сайёхлар деярли кадам босмайдиган бу гўшалардаги ягона мөхмөнхона хисобланарди.

Кираверишдаги эшикнинг рўпарасида унчалик катта бўлмаган устун туар, унинг ортида эса холлга ўхшаб кетадиган 60-70 нафар одамни сигдира оладиган кенггина зал бор эди. Кириш рўпарасидаги деворнинг катта кисмини улкан камин эгаллаганди. Унда деярли гулхан ёкилмас, факатгина бир неча кун турадиганлар пайдо бўлиб колган кунлар бундан мустасно эди. Залнинг бошка бурчагида эса провинциядаги мөхмөнхоналарга хос бўлмаган тарзда яхшигина вино, виски ва брэнди намуналариға эга бўлган бар жойлашганди. Колган икки девор хам полидан шифтигача баҳмал мато билан копланганди. Кора тусли мебеллар асосан креслолар ва узун диванлардан иборат эди. Баланд шифтдан билур кандил осилиб туарди. Мөхмөнлар бир-бирига сухбатлашаётуб халакит килмайдиган килиб жойлаштирилган столлар устида лампалар хам бор эди. Хуллас, шинамгина шароит хордик чиқаришга мослаштирилган эди.

Ўша оқшом, олдинги оқ-шомлардан фарқ килмаган холда кресло ва диванлар ёши бир жойга бориб колган леди ва жентльменлар билан банд эди. Уларни ягона жихатлари — ёши бирлаштириб туарди. Уларнинг барчаси олтмишдан ошганди. Залда сукунат хукмрон эди, ташкаридан кузатаётган инсон уни хатто ўлик сукунат деб баҳолаши хам мумкин эди. Чоллар «Таймс» ва «Манчестер Гардиан» газеталарини ўкишар, дам-бадам сода кўшилган брэнди, шотланд вискиларидан симириб кўйишарди. Аёллар эса нимадир тикиб, тўкиб ўтиришар, шерри ёки сут ва шакар кўшилган чойдан ичишарди.

Улкан хонада хукмронлик килаётган ўлик сукунатни баъзан пиҷирлашлар бузиб кўя-ётганди. Вакти-вакти билан Петерс исмли оғиркарвон официант шошилмасдан стол оралаб коларди. У стаканларга ичимликлардан куйиб кетар, кулдонларни тозаларди. Кечаси соат ўндан ўн беш дакика ўтаётганда залдаги ягона доимий товуш — каминда чарсиллаб ёнаётган ўтинларнинг овози эди.

Чарсиллаётган оловнинг овозини мөхмөнхона олдига келиб тўхтаган машинанинг товуши ютиб юборди. Мөхмөнхонага юzlари кип-кизил, копга ўхшаб кетадиган тивит пальто, шохи шарф ва кимматбахо чарм кўлкоп кийиб олган эркак кириб келди. У эман ёғочидан ясалган оғир эшикни каттик ёпди-да, атрофга алантлади. Аркадан чап тарафда шиша ва стаканлар тахланган барга кўзи тушгач, тунги портье Хэтэвейга бosh иргаб, бар томон дадил йў-налди.

— Музли скотч, — деди нотаниш эркак шошилмасдан стаканга содали брэнди куюётган бармен Майклсга.

— Сэр? — пича хадиксираб деди Петерснинг айнан нусхаси, бирок пича ёшрок бўлган Майклс.

— Музли скотч, — кайтарди дароз мөхмон, — шошилсангизчи!

— Хозир, сэр.

Майклс стаканни Петерс ушлаб турган кумуш патнисга кўйиб, яна шишалар ва стаканлар каторига ўгирилди.

— Якин орада устахона борми? — сўради нотаниш кўлкопларини бармогидан тортар экан.

— Устахона дедингизми, сэр?

— Ха, устахона! — ёкин-кирамай кайтарди у. — Дабдала йўлларингизни деб

машинамнинг рулига бир нарса бўлганга ўхшайди. Энди уни механикка кўрсатмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Биз томонлардаги ягона механик — Жером Босли, сэр, — секин жавоб берди Майклс.

— Лекин у кўпроқ тракторларни таъмирлайди.

— Тракторларни?!

— Ха, сэр, — деди Майклс ўртасида биллур стакан ялтираб турган кичик патнисни меҳмоннинг олдига кўяр экан. Бармен анча йиллар илгари шу ишга ўтаётганида ўргатишганидек, «Кингс Хед» эмблемаси мижозга караб турганини текширди. — Вакти-вакти билан юқ машиналарига хам карашади. — шоша-пиша кўшимча килди у. — Лекин гап шундаки, Босли Бридглинтонга ойисини кўргани кетган, шу билан эртага кечкурун кайтса керак. Афсуски, якин кирк мил масофада бош-ка механик бўмаса керак.

— Ажойиб, жуда ажойиб! — захарханда килди нотаниш эркак бошини силкитиб ва

афтини янада буриштириб олди. — Шунча вакт нима килиш керак энди?

— Билмайман, сэр, — елка кисди Майклс ва уч бармок скотч куйди.

— Муз, — гўлдиради нотаниш.

— Кечирасиз?

— Жин урсин, муз дедим! Муз! — деди пальтоли эркак стаканга бармогини никтаб. —

Музни унутдингиз. Ёки мени илик вискини ичади, деб ўйлаяпсизми?!

— Йўқ, сэр. Албатта йўқ, сэр... Петерс, сен...

Петерс енгилгина таъзим килиб, чикиш эшигига йўналди. У коронгу ошхонага кириб кетиб, унинг ортидаги хонада кўздан гойиб бўлди. Нотаниш эркак официнатни кўзлари билан еб кўйгудек кузатиб, залга ўгирилди. Залдагилар унинг нигохидан ко-чишга харакат килишарди.

Тунги сайёх каттик «Хм-м» деди-да, Майклсга ўгирилиб, ялтиратиб артилган пештахта устига кўлкопларини ташлади. Сўнг худди ўзи билан ўзи гапираётгандек, факатгина ўз наздида паст овозда деди:

— Археологнинг орзузи — ичига турли кимматбахо такинчоклар тўлдирилган дахмани топиб олиш.

Майклс худди ку-лок-ларига ишонмаётган одамдек котиб колди. Истеъфодаги полковник Глостер-Смит чукур нафас олди, бева Пемблингтон хоним эса кутилмаганда кўлидан тўкиш симини тушириб юборди. Колганлар эса ўзларини хеч нарса эшитмагандек тутишди. Зал халиям осуда кундаги ўрмондаги ялангликни эслатарди.

— Мен зудлик билан кўнгирок килишим керак, — деди меҳмон. — Телефонларингиз каерда?

— Бизда телефон йўқ, сэр.

— Нима??? — ишонмади у.

— Бизда телефон йўқ, — дадил кайтарди Майклс.

— Канакасига йўқ?! Телефон хозир хамма ёқда бор-ку!?

— Бизда йўқ-да, сэр, — шоша-пиша тушунтириди бармен. — Бу ердагилар телефонсиз хам яшаб юришибди. Устига устак, телефонларнинг ярим тунда ва эрта тонга жиринглаб уйкуни кочирадиган одати бор.

— Бу ердан телеграмма хам жўната олмасам керак хали? — хайрон бўлиб сўради нотаниш меҳмон.

— Афсуски, шундай, сэр.

— Жин урсин, огайни! — портлади нотаниш меҳмон. — Мен кандай килиб бўлса хам Лондондаги хамкорларим билан боғланиб, уларга каердалигимни айтишим керак. Улар

бугун мен Манчестерга отланганимдан бехабар.

— Кечирасиз-у, сэр, сизга ёрдам бера олмаймиз.

— «Кечирасиз» эмиш, жин урсин! — тунги меҳмоннинг асабийлашиши чегара билмасди.

Чинни идишда тўрт ку-бик муз ушлаб турган Петерс барга якинлашганда, меҳмон

захарханда килди: — Ва ниҳоят! Сизни адашиб кетганмисиз деб кўркиб тургандим.

Кенг залда йигилганлар банд бўлиб турган ишларидан норозиларча чалгий бошлишди.

Чоллар газета устидан шовкин кўтараётган меҳмонга норозилик нигоҳларини кадашса, аёллар тикиш ва тўкишини четга йигиштириб, бар томон ўгринча караб кўйишарди.

Гарчи жабрдийда хайдовчи елкаси оша норози нигоҳлар кадалаётганини сезаётган бўлса хам, буни билдирамди. У Петерс качон кичкич ёрдамида стаканига икки кубик муз солиб беришини шошилмасдан кутаётганди. Кейин у қаҳрабо тусли суюкликни бармоги билан аралаштириб, «Борига шукр», дедида бир ютишда стаканни бўшатди. Лабларини ялар экан, стаканни пештахтага кўйди ва такрорлашни буюрди.

Майлкс виски кўйди.

— Ейишга бирор нарсаларинг борми? — кизикди меҳмон.

— Ошхонамиз ёпик, сэр.

— Кўр эмасман, — жирканиб деди нотаниш меҳмон. — Балким бирор жойда сэндвичми, пишлокли нонми ётгандир?

— Ётмаган бўлса керак, сэр.

— Нима, бутун бошли меҳмонхонада урвок хам йўкми?

— Хозир караб кўраман, сэр, — елка кисди Майлкс.

Анчага чўзилган кидирудан сўнг у кутисининг ярмиси бўшатилган, котган печенье кўтариб келди. Нотаниш меҳмон кутига норози нигоҳ ташлади-да, сўради:

— Нима бу?

— Печенье, сэр. Биз дам-бадам буни чойга кўшиб берамиз.

— Печенье? — ишонкирамай кайта сўради тунги меҳмон ва бир неча донасини пештахтага тўқди. — Демак, печенье денг? — кайтарди у эҳтиёткорлик билан бир бўлакчасини тишлади. — Бўлиши мумкин эмас. Менимча сиз «Тошга айланган бўр» демокчи бўлгансиз! — деди меҳмон яна башасига тундликни ёйар экан.

— Бу бизда бор бўлган ягона егулик, сэр.

Меҳмон гўлдираганча, меҳмонхона шарафига «ширин» таърифларни келтирди ва кўлидаги печеньени еб бўлди. Сўнг иккинчисини оғзига тикди ва карсиллатиб чайнашга тушди.

— Бўш номерлар борми ёки машинамда тунайверайми? — деди меҳмон оғzinи тўлдириб печенье чайнаркан.

— О, албатта, бизда бўш номерлар бор, сизга ёкади деб ўйлайман, сэр.

— Факат чакка ўтмаса бўл-гани, мен буни жуда ёмон кўраман! — меҳмон айлана табуретда арка томон бурилиб, каттик бакирди: — Портъе! Эй, портъе!..

Карияларнинг бир нечтаси кўркканларидан калтириб кетишиди. Ярим дакикадан сўнг холлда кадам товушлари эштилди ва арк остида Хэтэвей кўриниш берди.

— Сэр?

Нотаниш меҳмон огохлантирмай у томон калитлар bogламини отди. Портъе уни ушлашга улгурмади ва калитлар жаранлаганча полга тушди. Хэтэвей бир кўли билан тиззасига таяниб, калитни олиш учун эгилди.

— Заргалдок тусли машинадан жомадонларни олиб, мени журналга ёзинг. Фамилиям — Расмуссен. Гарольд Расмуссен. Иккита «с» билан ёзилади, бошидагиси эмас, кейингиси.

Адашиб кетманг.

Хэтэвей кийинчилик билан каддини тик тутди ва кизикди:

— Бир окшомми, мистер Расмуссен?

— Жин урсин, шунга кат-тик умид киламан, лекин машинамга нима бүлганини билмайман хам. Худо күрсатмасин-у, балким бу ерларда бир хафта колиб кетарман, — деди у огзига навбатдаги печеньени тикаркан, огохлантириди: — Номеримда ванна, иссик сув бўлиши шарт. Биноларинг истилмайдиганга ўхшайди, мен эса соглигимдан кайгураяпман.

— Ха, сэр, — бош иргади Хэтэвей ва холлдан чикиб кетди.

— Умид киламанки, жомадонларимни таший туриб юрак хуружи тутиб колмаса керак бу чолнинг, — деди хо-холаганча Расмуссен, бар--га ўгириларкан.

Ўзининг хазилига ўзи нашъа килиб ярим дакика кулгач, Гарольд Расмуссен кўз ёшларини артди ва кип-кизил шохи рўмолчага бурнини коқди. У Майлсга каради ва деди:

— Мусика йўкми сизларда?

— Кечирасиз?..

— Мусика деяяпман! Кулогингиз карми, огайни?! Факат бирор замонавийрок нарса, иложи бўлса баландрок бўлсин. Худо унуган бу даргоҳда колиб кетадиган бўл-сам, яхшилаб хордик чи-кармокчиман... Худди кулоги кар одамга ўхшайвермай, атганни килсангиз-чи. Бир бу мавзолейнинг чанг губорларини учириб борайлик!

Энди у хамманинг диккатини тамоман жалб килиб бўл-ганди. Унинг сўзлари ўр-мон-даги сокин яланглик уз-ра эсаётган этни жунжиктирадиган шамолдек, безовта бўлган баргларнинг шитирларларига сабаб бўлаётганди.

Гамгин нигохли полковник Глостер-Смит ўрнидан турди, хонага бир кур назар солиб чиккач, яна чукур ух тортида ва харбийларга хос ўқтам кадамлар билан бар томон одимлади. Сўнг у Расмуссен олдида тўхтатди ва муштига енгил йўталди.

— Сиз кимсиз? — сўради меҳмон ва оксоҷ полковничи совук нигохи билан чамалаб чиқди. — Сизга нима керак?!

— Истеъфодаги полковник Глостер-Смит сизнинг хизматингизга тайёр, сэр. Мен билан ичмайсизми?!

— Нима?! Мени меҳмон килмокчимисиз, сержант? — кулди Расмуссен.

— Полковник, — тўғирлаб кўйди, гарчи жуда жахли чикса-да Глостер-Смит. — Ха, йигитча, сизни меҳмон килмокчиман. Меҳмоннавозлик ва миннатдорчилик юзасидан.

— Мени жуда хурсанд ки-ляяпсиз, сержант, — захарханда килишда давом этди Гарольд Расмуссен.

— Худди шундай, — бош иргади полковник ва Майлс-га тикилиб каради. — Меҳмонимиз учун энг яхши вискингиздан куйинг.

— Ха, сэр, — Майлс пеш-тахта остидан кичикрок сарик шиша чикарди, тикинини олиб, тўқ жигарранг суюклики биллур стакандаги эриб бораётган муз кубиклари устига кўйди.

— Сиз мен билан ичмайсизми, сержант? — бироз хайрон бўлди Расмуссен.

— Йўқ, мен брэндини яхши кўраман.

— Афсус, — елка кисди келгинди. — Шотланд вискисидан яхшиrok нарсаям бормикан бу дунёда... Саломатлигингиз учун, кария, — у стаканни бурнига якинлаштириб хидлаб кўради, маъкуллаш маъносида бош иргаб, бир кўтаришда ярмисини ютди. Сўнг лабларини чаппиллатиб, ўзига кўпни кўрган киши тусини бериб, иккинчи ютишда

стаканни бўшатди. — Ёмонмас, сержант, ёмонмас. Бу менимча...

Гарольд Расмуссен худди мухим бир нарсани эслагандек тўсатдан жимиб колди.

Кўзлари олайиб кетди, оғзини каппа-каппа очиб нафас ола бошлади, ўнг кўли томогига чиппа ёпишди, худди кизиб кетаётгандек тезрок ёқасини бўшатишга интиларди. Сўнг чўккалаб хириллаб колди ва гиламга кулади. Икки-уч марта кимиirlаб, тинчили...

Залда яна ўлик сукунат хукм-ронликни ўз кўлига олди. Полковник Глостер-Смит тиззалади. У Расмуссен билагини ушлаб кўриб, пульс урмаётганини аниклагач, яна секин каддини тиклади ва Петерс хамда Майлсга ишора килди. Официант ва бармен жасадни кўтариб, коронгу ошхона ортидаги хона оркали ташкарига чикариб кетишиди. Полковник улар билан бирга йўналди.

Залда эса хеч нарса юз бермагандек, яна кийим тўкиётган симлар ялтирай бошлади, чоллар эса газеталарини ўкишга тутиндилар. Каминда чирсиллаб ёнаётган ўтиндан сукунатни бузажётган ягона товуш тараляётган эди. Бир неча дақика ўтгач, залга Глостер-Смит кайтиб келди. У ўз креслосига ўтириб, кўлига газета олди.

Унинг ўнг томонида ўтирган Сесиль Уайтхед у томон энгашиб секин сўради:

— Бу нечанчиси, полковник?

— Менимча, ўн биринчиси, — жавоб берди Глостер-Смит.

— Умид киламанки, бу охиргиси, — пичирлади Уайт-хед. — Мана шунака тарбиясиз йигитлар бу ажойиб жимликни бузижганини умуман хазм килолмайман.

— Гапингизга кўшиламан, — бош иргади истеъфодаги полковник Глостер-Смит ва когози шикрламаслиги учун кўлидаги «Таймс»ни эҳтиёткорлик билан буклади.

Жамшид БЕК таржимаси.